

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

### МУЗЕЙЛАРДА ТАЪЛИМГА ОИД ДАСТУРЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Пардаева Юлдуз Абдуқаюмовна,**  
Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва  
дизайн институти тадқиқотчиси

**For citation:** Yulduz A. Pardaeva. Opportunities for educational programs in museums. 2019, vol. 1, issue 12, pp. 40-47.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-06>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019*  
*Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада музей педагогикасида инновацион ёндошув хусусан “музей-мактаб-таълим” тизими ва унинг таълим сифатини оширишдаги ролининг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** музей, туризм, замонавий ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқ, туристик портал, платформ, смарт туризм, электрон чипталар.

### ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОГРАММ В МУЗЕЯХ

**Пардаева Юлдуз Абдуқаюмовна,**  
Исследователь Национального института художеств  
и дизайна имени Камолиддина Бехзода

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены вопросы инновационного подхода в музейном педагогике, в частности связи “музей-школа-образования”

и его значение роли в повышении качество обучения.

**Ключевые слова:** музей, туризм, современные информационные технологии, социальные сети, туристический портал, платформ, смарт туризм, электронные билеты.

---

## OPPORTUNITIES FOR EDUCATIONAL PROGRAMS IN MUSEUMS

**Yulduz A.Pardaeva,**

Researcher National Institute

of Arts and Design named after Kamoliddin Behzod

### ANNOTATION

This article demonstrates the issues of innovative approach in museum pedagogy, especially communication “museum-school-education” and its importance to the role in improving the quality of teaching.

**Key words:** museum, tourism, modern information technologies, social networks, tourist portal, platforms, smart tourism, e-tickets.

---

Музейлар тарихий хотирани жонлантириш омили бўлиб хизмат қилар экан, унда намойиш этилаётган материаллар ашёвий далил сифатида ўз даврига хос хусусиятларни акс эттирганлиги билан, ўша давр маданияти, санъатидан берадиган хабари билан жуда қимматлидир. Музейларнинг оммавий-ғоявий, таълимий иши коммуникациясининг муҳим элементини ташкил қилган ҳолда, камолотга етган, ижтимоий фаол шахсни шакллантиришга, уни ғоявий, ахлоқий, эстетик тарбиялашга, билимдонлигини, ахборотлилигини чуқурлаштиришга йўналтирилган.

Музейларнинг ғоявий-тарбиявий, таълимий иши, илмийлик, ҳаёт билан алоқадорлик каби принципларга таянади [1, Р.341-369]. Махсус болалар учун яратилган музейлар уларнинг тарихга, табиатга ва умуман инсоният тарихига бўлган қизиқишини орттиришга, кичик ёшдан бошлаб дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини бойитиш ва мустақил фикрлаш имкониятларини очиб бермоқда.

Албатта, агар халқ ўзининг тарихий хотирасига, тарихий онгига эга бўлса, у муқаррар ўзи кечирган тарихий-ижтимоий жараёнларни чуқурроқ тушунади ва талқин қилади[2, Б.17]. Улуғ аллома ва мутуфаккирлар ижоди ва фаолиятларини ёритиш, уларни янада таъсирчан, эса қоларли даражада акс эттириб беришни музейлар ўз олдида вазифа қилиб қўяди. Музейлар фаолиятида ана шу бой маънавий ва

моддий бойликлар, маданий ёдгорликлар намойиши ва илмий таҳлили асосий ўринни эгаллайди. Музейда намойиш қилинаётган ҳар бир экспонат, хоҳ у қимматбаҳо метал ёки тошлардан ишланган бўлсин, хоҳ амалий санъатнинг ёрқин намунаси бўлсин, ёки маънавий мероснинг бетакрор ёрқин қирралари бўлсин, у шу халқнинг ўтмиш ҳаёти, тафаккури, истеъдоди, иқтидоридан дарак беради [3].

XX аср бошларидан бошлаб баъзи музейлар ва мактаб музейларида 4 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар учун махсус лойиҳаларнинг ишлаб чиқилиши бу соҳани ривожланишига олиб келди. XX асрнинг 90 йилларига келиб эса музейларда оммавий равишда кичик ёшдаги ташрифчилар учун тадбирлар ўтказила бошланди. Лекин ушбу жараён натижасида кичик ёшдаги аудитория билан ишлашнинг шакл ва усуллари бўйича педагогик ва психологик билимлар ханузгача талаб даражасида ривожланмаган эди. Бу борада уларга мослаштирилган сенсор киосклар, плазма панеллардан фойдаланилади [4, Б.68]. XX асрда болалар учун махсус музей ва театрлар ташкил этилди, болалар адабиётига асос солинди, болаларни мактабгача тарбиялаш муассасалари ташкил этилди, болалар учун махсус либослар пайдо бўлди [5, С.40.].

Болаларни эстетик руҳда тарбиялаш ва уларнинг манъавиятини шакллантириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Болалар айнан мактабгача тарбия муассасаларида табиатдаги турли ўзгаришлар ҳақидаги дастлабки маълумотларни оладилар [6, Р.72].

Тарихдан гувоҳлик берувчи асл осори-атиқаларни сақловчи музей ҳозиргача ўзининг қимматини йўқотмаган, тарих ва маданият дунёсига олиб кирувчи ягона йўлкўрсатувчи ҳисобланади. Болаларга музейда катта ҳаёт мактабини намойиш қилишда педагогика фанининг янги йўналиши — музей педагогикасининг аҳамияти жуда катта. Музей педагогикаси эса ўзининг турли усуллари билан болалар қалбига йўл топишида катта ёрдам беради. Болаларга атроф муҳитдаги ривожланишнинг мураккаблиги ва давомийлиги ҳақидаги тасаввурни бериш музей педагогикасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Инсонни қуршаб турган дунёни ўрганиш кичик инсон учун жуда мураккаб бўлиб, уни ўрганишни бола ўз хонаси, уйи, боғчасидан бошлаши керак. Оддий предметларнинг дунёси болалар учун жуда яқин ва тушунарли ҳисобланади. Маданий тарбия берувчи педагог эса айнан шу дунёга олиб кирувчи йўлбошловчи вазифасини бажаради.

Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларига музейга ташриф жараёнида дастлаб экспозициядаги предметларнинг маданият тараққиётдаги аҳамияти ҳақида суҳбат ўтказилади. Шунингдек, му-

зейга ташриф буюрган кичик ёшдаги ташрифчилар учун театрлаштирилган, излаб тадқиқот қилувчи ҳамда ўйин тариқасидаги машғулотлардан фойдаланиш мумкин. Музей педагогикаси кичик ёшдаги ташрифчилар билан ишлашнинг турли шакллари: викторина, кроссворд, ребус ва мусобақалар тарзида олиб боришни тавсия қилади. Бундан ташқари болалар учун вазифа тариқасида «Менинг шажарам», «Менинг уйимдаги ёдгорлик», «Уй бўйлаб саёҳат» каби мустақил вазифаларни бериш мумкин. Ёки бўлмаса маршрут варақалари орқали ижодий вазифалар ҳам ижобий натижалар беради. Масалан «Музей ва маданият», «Музей ва дунё» каби дастурлар ҳам шулар жумласидандир. Атроф муҳитни ўрганиш дунё тарих ва маданиятини билиш инсонга яхши кайфият бағишлайди. Тарихий ва маданий фактлар машҳур номлар, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари нафақат болаларнинг қалбида, балки хотирасида бутун умрга қолади.

Махсус болалар учун яратилган музейлар уларнинг тарихга, табиатга ва умуман инсоният тарихига бўлган қизиқишини орттиришга, кичик ёшдан бошлаб дунёқарашини шакллантириш, тафаккурини бойитиш ва мустақил фикрлаш имкониятларини очиб бермоқда [7, Б.71].

Охирги йилларда, Болалар музейининг турлари ва йўналишлари кўпайиб бормоқда. Бу музейлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил фикр юритиш, воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамаслик ва энг асосийси ўз моддий-маданий меросини асраш туйғуларини шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда [8, С.32]. Бундай музейлар болаларга ўйин, ижод ва мулоқот орқали дунёни забт этишни ўргатади. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда музейлар асосан ёшларнинг қизиқиши ва талабини қондирувчи, тарих билан юзма-юз туриб эркин мулоқотга киришга имкон берувчи ягона мўжизавий масканга айланиб бормоқда.

Ўқувчилар дунёқарашининг шаклланиши мактабда олган билимлари асосида мунтазам равишда кенгайиб ва чуқурлашиб боради. Музей ўқувчиларига нафақат турли ҳодиса ва воқеаларнинг сабаблари ҳамда тартиблари ҳақида билимларни бериш, балки уни хотирада сақлаш билан бир қаторда, ўз олдиларига қўйилган саволларга мустақил равишда жавоб топишга ўргатиш лозим [9, Б.80].

Бу ёшдаги ўқувчиларда воқеаларга ижодий ёндашиш, фантазия қилиш, ўзига таниш бўлган образлар орқали эртақлар тўқиш усуллари қўллаш мумкин. Уларни воқеа ва ҳодисаларга нисбатан бўлган эътибори муқим ва мустаҳкам бўлмаслигини эътиборга олиб, уларни кўпроқ воқеалардаги қахрамонлар билан биргаликда айнан шу муҳитга тушиб ҳаракат қилиш, ҳис этишга имкон яратиш керак. Улар-

нинг онгида барча персонажлар ижобий ва салбий (яхши ва ёмон)га бўлинади. Шу билан бирга улар масалан, картинада тасвирланган табиат кўриниши ёки қахрамоннинг ҳолати ва ҳис-ҳаяжонларига катта эътибор берадилар. Шунингдек, муҳокама қилиб, шахсий фикрларини билдира оладилар. 8-9 ёшдаги болалар бадиий терминлар ва ахборотларни ўзларига сингдира оладилар ва бадиий образларни содда тилда таҳлил қила оладилар.

Бу ёшдаги ва мактабгача тарбия масканларидаги болаларга кўпроқ диалог шаклидаги экскурсиялар, дидактик ўйинлар, ижодий вазифалар ва ривожлантирувчи машқлар асосида экскурсиялар ташкил этиш лозим.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга музей ёдгорликлари орқали моддий ва маънавий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган музей предметларига муносабатни шакллантириш ва уларни жаҳон маданиятида тутган ўрнига эътибор қаратиш лозим. Ўқувчилар учун «Музейдаги картина», «Ашёлар сўзлаганда» ва «Музей билан биринчи танишув» каби лойиҳалардан фойдаланиш мумкин.

Мактаб ўқувчиларида ватанпарварлик руҳини шакллантириш, Ватаннинг севиш ва унинг равнақи учун хизмат қилиш каби ҳислатларни шакллантириш музейлар олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир шахсдаги ватанпарварлик ҳислати унинг дунёқараши, ахлоқи ва маънавиятида намоён бўлади.

7-11 ёшгача бўлган болалар вақт ҳақида маълум тасаввурга эга бўлсада, лекин абстракт тушунчаларни қабул қилишга тайёр бўлмайди. Бу ёшда ўқувчиларнинг музейга ташрифини шакллантириш, шунингдек, экспозициядан олган маълумотларини ўз тажрибаси билан узвий боғлашга ўргатиш керак. 9-12 ёшдагилар абстракт тушунчаларни тушунади, лекин психологик томондан кўпроқ уларга билимнинг сенсор шаклидаги усуллари тўғри келади[10, С.13].

Музейларда ўқув дастурини қўллашда бир неча босқичларни амалга ошириш кўзда тутилади. Масалан, экскурсовод экскурсияни бошлашдан аввал, биринчи навбатда, болалар билан ўзаро мулоқотга киришиб, самимий муносабат ўрнатиши керак. Музейлардаги экспозициялар, тарихий сўзлар ва жараёнларни болалар тўлиқ тушуниб қабул қилишлари қийин. Шу сабабли, музей педагоглари экскурсияни предметларни қиёслаш, фарқлаш ёки ўхшаш предмет ёки воқеалар билан уйғунлаштириш орқали тушунтиришлари лозим.

Кўпгина музей педагоглари ўқувчиларга савол-жавоб шаклида тушунтириш ишлари олиб боришади. Бу ҳам ёшларнинг экспозицияда намоёиш этилаётган воқеаларга муносабати ва унга нисбатан ўзи-

нинг шахсий фикрини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга [11, Б.20].

Музейда ёш ташрифчилар кўпроқ эркинлик ва мустақилликни ҳуш кўради. Уларга қўл билан ушлаб кўриш ва экспонат билан мулоқотга айнан экспонат нусхалари, макетлари ёки муляжлари ўқувчилар учун ҳеч нарсага тенглашмайдиган ўқув материали ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кўплаб музейлар ўз залларида болалар учун экспонатларнинг нусхаларини ясаб, уларга предметларнинг вазни, ўлчами, шакли, ишлатиш усулини синаб кўришга имкон яратади. Ёки бўлмаса тарихий шахсларнинг кийимини кийиб кўриш, ёки зодагон аёлнинг тақинчокларини тақиб кўриш, кулолчилик чархида V асрга оид кўзаларни ясаб кўриш ўқувчида катта таассурот уйғотади.

Ҳозирги кунда кўплаб хорижий музейлар театрлаштирилган сахналардан фойдаланмоқдалар. Бу айниқса тарих ва техника музейларида самарали натижа беради. Бу намойишлар бир гуруҳ музей ходимларининг маълум бир даврни ўзида акс эттирувчи қахрамонлар образига кириши ёки бўлмаса экскурсоводларнинг мавзу бўйича либос кийиши билан намоеён бўлади. Бу сахналар болаларни ўзига жалб қилиш билан бирга, айнан шу мавзуга катта қизиқиш уйғотади. Тарихга ихтисослашган музейларнинг турли лойиҳалар билан ишлаш имкони жуда кенг. Масалан хар бир ашёнинг ўзига хос тарихи бор. Уни нафақат назарий томондан, балки амалий томондан ташрифчиларга намойиш қилиш ва уларнинг ҳам иштироки учун имконият яратиш мумкин. Кулолчилик жаҳон тарихида энг биринчи ҳунармандчилик соҳаларидан бири ҳисобланиб, унинг тараққиёт жараёни ва фарқларини қиёслаш орқали ўқувчиларни кулолчилик босқичлари билан бемалол тўлиқ таништириш мумкин. Шунингдек, нафақат маълум ҳудуд, балки жаҳон цивилизациясида кулолчилик тараққиётининг ўрнини ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Албатта бу тушунтиришлар амалиёт билан, яъни кулолчилик маҳсулотларини ясаш ва унинг даврини аниқлаш каби машғулотлар билан олиб борилиш лозим. Бундай машғулотларни, масалан, қоғоз, каштачилик, кандакорлик, тўқимачилик, тасвирий санъат, муқовасозлик, ёзув, тангашунослик тарихи каби қадимдан ривожланган ва тараққиёт ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган соҳалар бўйича олиб бориш мумкин.

Умуман олганда ҳозирги замонавий музейлар болалар билан ишлашнинг турли усулларини ишлаб чиқмоқдалар. Уларнинг сони ва масштаби жуда кенг бўлиб, хар бир музей ўзининг хусусияти ва фаолиятининг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда иш тутиши лозим. Барча янги йўналишдаги лойиҳалар ва усуллар болаларни музейга нисбатан бўлган қизиқишини орттиради ва дунёқарашини шакл-

лантиришда муҳим аҳамият касб этади. Музей предмети томошабинларда қизиқиш эмоциясини, завқланиш, у ҳақида янада кўпроқ маълумот олишга хоҳишни орттиради. Агарда экспонатда машғулот вақти фойдаланилса ва болалар уни ушлаб кўриб, ҳис қилиш имконига эга бўлсалар, уларнинг тушунишлари осонроқ бўлади ва музейнинг томошабинлари ортади. Экспонатлар боланинг эмоционал муҳити, интелекти, тафаккури, нутқининг ривожланиши учун турли машғулотларда қўлланилади.

Ўрта махсус таълим тизими ўқувчиларига музей педагогикасини ташкил этиш. Бу даврда ўқувчиларнинг табиати, дунёқараши, одамлар билан ўзаро муносабатларининг шакллари ўзгаради ва психологиясида турли ўзгаришлар рўй беради.

Мунтазам равишда фан асосларини ўрганиш даври ўқувчилардан объектларнинг мураккаб ва абстракт муносабатларини тушунишда юқори даражадаги дунёқарашни талаб этади. Ўқув фаолияти жараёнида уларнинг дунёқараши аналитик характерга эга бўлади, фаол ва мустақил равишда фикрлаш, чуқур муҳокама, таҳлил ва хулоса қилишга ўргатади [12, Б.84].

Ўсмирлик даврида хотира ва эътиборнинг бардошлилиги, эркин, мувофиқлаштирувчи ва ташкилий характерга эга ўзгаришлар сезилди. 10-12 ёшда болаларнинг расм чизиш даврида «табiiй кризис» даври бошланади. Мунтазам равишда расм чизиб юрган болалар бу машғулотдан воз кечади. Чунки уларнинг онгида санъат соҳасини мукамал эгаллашда профессионал таълим ва унинг тарихий босқичлари муҳим ўрин эгаллашини тушуна бошлайди. Айнан шунинг учун ҳам музейларда ўсмир ёшдаги болалар учун экскурсиялар дастурига ўқувчиларни маълум бир йўналишдаги билимларини кенгайтиришда асос бўлиб хизмат қилувчи мавзули ва тарихий экскурсияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўсмир ёшларнинг дунёқараши ва шахс сифатида шаклланиши, ўз фаолиятида мустақилликка интилиши, катта бўлишга интилиш ҳиссиёти пайдо бўлади. Ҳатто улар «ўз қаҳрамон»ларини қидириш ва унга тақлид қилишга ҳаракат қиладилар. Бу қаҳрамонлар бирор бир давлат арбоби, тарихий шахс, буюк рассом ёки мусиқачи бўлиши мумкин. Кўпинча бундай тақлидлар ўқувчиларни келажакда касб танлашида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда эса музейлар фаолиятининг таълимий мақсадига мактабга яқинлаштиришгина эмас, балки таълим муассасаларининг фаолиятини ҳам музей билан алоқасини амалга ошириш натижасида ҳамкорлик педагогикасини амалга оширишдан иборатдир [13, С.167].

Музей ўқувчиларига нафақат турли ҳодиса ва воқеаларнинг сабаблари ва тартиблари ҳақида билимларни бериш, балки уни хотирада сақлаш билан бир қаторда, саволларга мустақил равишда жавоб топишга ўргатади.

Хулоса қилиб айтганда, турли лойиҳалар билан ишлаш имкони кенг бўлган тарихий музейларда ҳар бир ашёнинг ўзига хос тарихини нафақат назарий томондан, балки амалий томондан ташрифчиларга намойиш қилиб, уларнинг ҳам иштироки учун имконият яратиш мумкин. Бунинг учун эса дидактик ўйинлар, ижодий вазифалар ва ривожлантирувчи машқлар асосида экскурсиялар ташкил этиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Graham, J. Close encounters with culture: Museums and galleries as part of the early years foundation stage. Manchester, England: Renaissance North West. 2008. – P.341-369.

2. Курязова Д. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Тошкент: Санъат, 2010. – Б. 17.

3. <https://www.gazeta.uz>

4. Исмаилова Ж.Х. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016. – Б.68.

5. Минина С.Б. Неслучайные подарки детскому музею. //Музейная педагогика за рубежом//. – М.1977. – С.40.

6. MaryEllenMunley. EarlyLearning in Museums.Smithsonian Early Enrichment Center (SEEC).2012. – P. 72.

7. Исмаилова Ж.Х. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016. – Б.71.

8. Галкина Т.В. Музееведение: детский музей. — Учебно-методическое пособие для специализации «Историческое краеведение и музееведение» на исторических факультетах. —Томск: Издательство Томского государственного педагогического университета, 2004. —С.32.

9. Исмаилова Ж.Х. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016. – Б.80.

10. Бонами З.А. Музей-образование-дети. Музейная педагогика за рубежом. –М.:1997. – С.13.

11. Moziydan sado (Илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал) 1.(61).2014. – Б.20.

12. Исмаилова Ж.Х. Замонавий музейшунослик асослари. – Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016. – Б.84.

13. Юхневич М.Ю. Образовательные музеи (педагогический, школьный, детский). – М., 2007. – С.167.